

Ғийбатнинг зарарлари (12-қисм)



14:48 / 28.04.2018 3321

Йигирма иккинчи зарар: ғийбатни эшитгандан кейин нафрат пайдо бўлиши.

Одамларнинг олдида бировни ғийбат қилсангиз, хоҳлайсизми-хоҳламайсизми, уларнинг қалбида ёмонланган ўша кишига нисбатан озми-кўпми нафрат пайдо бўлади. Ғийбат қилиб, ўша одамга нисбатан бошқалар қалбида пайдо қилган нафратингиз пойдевор вазифасини ўтайди. Энди улар ўзлари нафратланган киши ҳақида гапириладиган ҳамма ёмон гапларга чиппа-чин ишонаверадилар. Гўё сиз қўйиб берган нафрат пойдеворининг устига бошқалар ғийбат ва ёмон гумон деган лаънатли бинони қурадилар. Арзимасгина деб ўйлаган ғийбатингиз бошқаларнинг улкан гуноҳлар қилишига сабаб бўлади.

Ҳикоя. Бир ҳақим кишининг дўстларидан бири зиёратга келиб, биродарларидан бирини унинг олдида ёмонлади. Шунда ҳақим киши унга: «Биринчидан, зиёратимга (орадан анча вақт ўтгандан сўнг) кечикиб келдинг. Иккинчидан, келганда ҳам учта жиноят қилдинг: биродаримни менга ёмон кўрсатдинг, фориф қалбимни машғул қилдинг, ўзингни чақимчилик билан муттаҳам қилдинг», деди. Яъни мен авваллари сени омонатдор деб ўйлаб юрардим. Нариги одамнинг айбини гапирганингдан кейин сенинг ишончли одамлигинг ҳақида қалбимда шубҳа уйғонди.

Йигирма учинчи зарар: таҳоратнинг ноқис бўлиши.

Ғийбат қилиш туфайли кишининг таҳоратига нуқсон етади. Бунинг тафсилоти кейинроқ зикр этилади.

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов